

ЁШЛАРНИНГ ОИЛА ВА НИКОҲГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Ўринов Одилбек Лазиз ўгли

Ўзбекистон ИИВ Академияси ўқитувчиси, илмий тадқиқотчи

Пардаева Севара Акрам қизи

Жиззах давлат университети таянч докторанти

Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович

Наманган мухандислик-технология институти профессори, илмий раҳбар

Аннотация. Мақолада ёшларнинг оила ва никоҳга муносабатининг ижтимоий-фалсафий таҳлиллари асосида қиз болаларнинг никоҳга тайёрлашнинг ижтимоий аҳамияти ёритилган. Жамиятнинг глобал ахборотлашуви таъсирида ёшларнинг оила ва никоҳ масъулиятини шакллантиришнинг миллий-диний анъана ва қадриятларнинг ўрни асосланган.

Калит сўзлар. Глобаллашув ва оила, никоҳ, ёшларнинг оилага муносабати, истеъмолчилик жамиятида оила.

Аннотация. В статье освещены социальные аспекты подготовки девушек к семье и браку на основе социально-философских анализов отношения молодежи к браку и семье. Под влиянием глобальной информатизации общества обосновывается роль национально-религиозных традиций и ценностей в формировании семьи и супружеской ответственности молодежи.

Ключевые слова. Семья и глобализация, брачно-отношения молодежи к семье, семья общества потребления.

Annotation. The article highlights the social aspects of preparing girls for family and marriage on the basis of socio-philosophical analyses of the attitude of young people to marriage and family. Under the influence of global informatization of society, the role of national and religious traditions and values in the formation of family and marital responsibility of young people is substantiated.

Keywords. Family and globalization, marriage, the attitude of youth to the family, the family of consumer society.

Кириш

Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида оила ва никоҳ муаммоларининг глобаллашуви ва транснационаллашуви, айниқса глобал ахборот технологияларининг техноген тараққиёти ёшларнинг оила ва никоҳга тайёрлашнинг шахс, жамият ва давлат муносабатларининг марказига, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирмоқда. Замонавий оила ва никоҳнинг девальвацияси глобаллашув шароитида “Оммавий маданият”нинг миллий турмуш тарзида қадриятлашуви билан бирга, қизларнинг эмансипацияси ўзга

миллат ва давлатларнинг фуқаролари билан интернет орқали танишиб, никоҳга кириши билан изоҳланади [5, 35 б]. Шу билан бирга оила ва никоҳнинг электрон моделга ўтиши ҳам никоҳнинг деградациясида ўз ифодасини топмоқда. Бу ҳол миллий ахборот воситаларида психологларнинг “Оила нимага керак? Эр нимага керак?” каби ўзбек аёлларига мурожаатлари ҳам миллий хавфсизликка жиддий таъсир этмоқда [1, 149 б].

Замонавий ахборотлашган жамиятда анъанавий ижтимоий муносабатлардан “инновацион” муносабатларга ўтиш оқибатида ёшлар орасида оила ва никоҳдан кўнгил совиши, оила ва никоҳ ёшининг “қариши”, айна вақтда оила ва никоҳнинг муқобил шаклларига ўтиш жараёни ҳам кузатилмоқда. Натижада, ёшлар орасида транссексуализм (ЛБГТ) ўзининг иккинчи босқичига ўтиб бўлди. Шу билан бирга феминизмнинг радикаллашуви туфайли республикамизда “қиз бола”нинг ижтимоий мақоми вайрон этилди. Бу ҳол ўз навбатида ўғил болаларнинг эрлик жинс фазилатлари ҳам сўниб бормоқда. Чунки, ҳақиқий ўғил боланинг “эрлик, эркаклик” фазилатлари ривожда қизларнинг яратувчилиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса қизларнинг ўғил болалар спорти ва турмуш тарзига сунъий ўтказилиши туфайли “ғайри қизлар”нинг янги авлоди шаклланиб бўлди. Кейинги беш йилда мактаб ўқувчилари орасида жинсий ҳаётга ўтиш, ҳатта мактаб ўқувчилари орасида ҳомиладорлик ҳолатлари ҳам муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди [8, 20 б].

Ёшларни, айниқса макро оиладан микро оила моделига ўтиш ҳам жиддий таъсир этади. Кўп ядроли оилада тарбия топган ёшларнинг оила ва никоҳга психологик тайёрлиги максимал даражада юқори бўлиши табиий ҳолдир. Шу маънода қизларнинг ҳаётида оилавий тармуш тарзини тарбиялаш буви, оналарнинг иштирокида рўзғор, уйни саранжом-саришта тутиш тажрибалари ўргатилган. Шу билан бирга бувилар билан яшаган қизлардан оила ва никоҳга кириш ижтимоий фаоллик билан рўзғор тебратиш, бола тарбияси илмини янги оилада давом эттириши мураккаб бўлмайди [4, 36 б].

Ёшларни оила ва никоҳга тайёрлаш этноконфессионал давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб, қизларнинг туғилганидан бошлаб “қиз бола, аёл ва хотин” руҳиятига ижтимоий-биологик, физиологик тайёрлаш ўзига хос даврий, босқичли жараён ҳисобланади. Боз устига авлодлар назариясида демографик жиҳат ва хусусиятлар таҳлил этилса-да оила ва никоҳ муаммолари олимларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Шу боис тадқиқотчи М. Давлатованинг “... Интернет, ахборот технологиялари ва глобаллашув даврида тугилган Z авлоди узининг мослашувчанлиги, технологик саводхонлиги ва ижтимоий узгаришларга интилиши билан олдинги авлодлардан фарк қилади. Шу муносабат билан Z авлоднинг интеллектуал салоҳияти ва имкониятларини ривожлантиришда ижтимоий давлатнинг ўрни тўғрисидаги масала долзарб

бўлиб қолади. Z авлод билан бирга илгор технологиялар ва иклим муаммолари дунёсида тарбияланаётган Альфа авлоди келажакни аллақачон бугундан шакллантириши” борасидаги қарашлари баҳсли, деб ўйлаймиз [1, 148 б]. Шу маънода мақоланинг мақсади ёшларнинг оила ва никоҳга тайёрлашнинг ижтимоий жиҳат ва хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлилларига қаратилган. Зеро, замонавий педагогик тадқиқотларда ёшларнинг таълим ва тарбиясига оид илмий ишларда реал ижтимоий воқелик, ёшларнинг ижтимоий кайфият, мўлжалларида оила ва никоҳ муносабатлари фундаментал тадқиқ этилмаган [2, 223 б].

Асосий қисм

Ёшларнинг оила ва никоҳида қизларнинг оилага ижтимоий муносабати ва масъулияти муҳим аҳамият касб этиб, оилавий муҳитга феъл-атвори ахлоқи билан таъсир этади. Шу маънода қизларнинг оилавий таълим ва тарбиясида никоҳнинг мазмун моҳияти ижтимоий қадрият сифатида сингдирилиши қиз боланинг этикасига айлартирилади. Биз авлодлар назариясининг ижтимоий таҳлилларида боланинг туғилганидан то 10 ёшгача шакллантирилган қадриятлар одатий хатти-ҳаракатлар эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг тўрт қабул қилинган омилига қўшиламиз:

- мамлакат тарихидаги катта воқеалар, масалан, жаҳон уруши;
- болага ота-оналар ва мактаб томонидан берилган тарбия;
- ОАВ сиёсати, матбуотда, радио ва телевидениедаги хабарлар;

- Дефицит (болаликда болага етишмаган нарса). Масалан, ҳозирда болаларда жонли алоқа йўқлиги авлод учун жуда муҳим фактор бўлади” [9]. Дарҳақиқат, бу омиллар болаларнинг таълим ва тарбиясида оила ва никоҳга таъсири билан муайян барқарорликни сақлаб қолиши мумкин. Шу маънода замонавий ёшларнинг одат ва анъаналарида ахборотлашган жамият элементлари, феминизмнинг радикаллашган шаклда намоён бўлиши билан ўзига хос авлоднинг вояга етиши масалани илмий- фалсафий жиҳатдан фундаментал тадқиқотини ўтказишга тўғри келади. Оилапарвар қизлар авлодларнинг оилавий тарбияси, миллий-диний турмуш кечириш тажрибалари муҳитида тарбияланади. Замонавий илм-фан техника тараққиёти ижтимоий ҳаётни анъанавий тизимини янги инновациялар билан модернизацияси маънавий-ахлоқий қадриятларни сусайтирмоқда. Натижада, ёшларнинг оила ва никоҳга муносабати салбий томонга ўзгариб, қизлар орасида оилавий ғам ташвишлардан кўра ёлғиз яшаш, эркинликка мойиллик қадриятлашмоқда. Қолаверса, қизларнинг оилавий турмуш тарзи, уй-рўзғор ишларидан беҳабарлиги ҳам эр-хотинлик муносабатларида мураккабликларни келтириб чиқаради [4, 38 б]. Қолаверса, ОАВда гендер тенглиги, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, “ҳимоя ордери” каби янги ижтимоий муҳофаза кабилар ҳам қизларнинг оила ва никоҳда

бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг социологик тадқиқотларимизда 221та никоҳни бекор қилиш ҳолатида суд қарорини чиқариш учун асос етарли эмаслиги “келин”нинг оилавий турмушга кўниқолмаслиги аниқланди.

Пойтахтдаги мактаб ўқитувчиси мактабда ўқувчиларнинг диндорлиги, илм-фан асосларини ўзлаштиришга қизиқишининг пастлиги билан бирга битирувчи синф қизлари орасида бир амаллаб эрга тегиш, жуда бўлмаганда иккинчи ёки учинчи хотин бўлиб ҳам турмуш кечиришга мойиллигини ошқора билдиришини маълум қилган [11]. Миллий статистика маълумотларига кўра, 2024 йил 1 январига республика аҳолиси 36,8 млнга етиши, жумладан 18,3 аёллар, 18,5 эркаклар ташкил этиши эълон қилинди. Шу билан бирга 2022 йилда 296,7 минг ёшларнинг никоҳи қайд этилган бўлса, 2023 йилда 283,8 мингга қисқариши хавотирлидир. Айти вақтда 2021 йилда 39,3 оиланинг никоҳи суд орқали бекор қилинган бўлса, 2022 йилда 48,7, 2023 йилда 49,2 мингга етди [12]. Биз бу статистик маълумотлар остида миллий менталитет нуқтаи назаридан тахлилида янада оилавий фожиалар ётганлигини ҳам ёдда тутиш даркор, деб ўйлаймиз. Шу маънода оила ва никоҳни барқарорлаштиришга эҳтиёж юқори бўлган бир пайтда унинг илмий тадқиқига бўлган эътибор орасида жиддий зиддият туғилди. Бизнингча, оила ва никоҳга қизларнинг тайёрлаш борасида ижтимоий муҳит, ота-оналарнинг оиланинг моддий таъминоти билан бирга ёшларнинг ҳаётга муносабати, масъулияти борасида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш вақти келди. Ёшларни оила ва никоҳга руҳий жиҳатдан тайёр эмаслиги, айниқса қизларни кейинги йилларда никоҳни бекор қилишдаги ташаббускорлиги ижтимоий аномалия ҳисобланади. Бу аномалия миллий ҳалокатга олиб келувчи ўзга омилларни ҳаракатга келтириш билан хатарлидир [6; 7]..

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида истеъмолчилик жамияти элементларининг ривожини ҳам ёшлар орасида маънавий-ахлоқий қадриятларни жиддий пасайтириб, ёшларда истеъмол кайфияти, ахлоқини шакллантирмоқда. Бизнинг тадқиқотларимизда замонавий ёшларнинг оила ва никоҳга киришида моддий омилларнинг “мода”лашуви, айниқса ўғил болаларнинг “умр йўлдоши”ни танлашда истеъмол мўлжаллари етакчи ўринни эгаллаши кузатилди. Бизнинг сўровларимизда қизларнинг ҳам моддий тўқ оилаларни танлаши, этноконфессионал оилавий муносабатларда қизлар ўзларига куёв танлашда “насл-насаби, иймони, моли-мулки, соғломлиги” каби омиллардан хабардор эмаслиги, истеъмол манфаатлари асосида оила куришни танлаши аниқланди. Натижада, ёшларнинг орасида никоҳга кирувчиларнинг ижтимоий-маънавияти, нафосату фаросати каби омиллардан кўра томонларнинг моддий-мулкӣ ҳолатига урғу берилиши ижтимоий қадрият сифатида оммалашмоқда.

Ёшлар орасида ахборот маданиятини шакллантириш, яъни интернет

коммуникация одобини тарбиялаш билан ёшларнинг оила ва никоҳга тайёрлашда психиологик патологиядан халос этиш мумкин. Чунки интернет ижтимоий тармоқларида 4 мингдан ортиқ “порно”, маънавий-ахлоқий бузғунчи сайтлар аниқланиб, улар оила ва никоҳга қобиллик ҳолатини жиддий бузади. Шу боис оила ва никоҳга ёшларни тайёрлашда қизларнинг нафақат моддий-иқтисодий, балки эр-хотинлик муносабатларида муроса, сабр тоқат одобини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ота-оналарнинг ўғил уйлашда совчилик каби удумлардан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, совчилик оилалар, куёв ва келиннинг ўзаро мослашуви бирга яшаб кетишида тажрибали ота-оналарнинг иштироки маслаҳатидир [10, 32 б].

Хулоса

Оила ва никоҳ башариятнинг муқаддас маданий қадрияти бўлиб, инсониятнинг тақдирини белгилаб беради. Чунки, Европа жамиятининг таназулида оила ва никоҳ муносабатларининг ўрни олимлар томонидан эътироф этилган. Шу маънода, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи ёшларнинг бой миллий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш билан замонавий техноген цивилизация таҳдидларига қарши туриш мумкин.

Замонавий ёшларнинг оила ва никоҳга киришида “электрон никоҳ ва оила” муносабатларининг виртуаллашувидан реал муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Интернет коммуникацияда ёшларнинг тобелик ҳолатлари тиббий патология ҳолатига ўтиши ҳам кузатилмоқда. Шу маънода ёшларнинг компьютер ва телефондан вақтни тежаш, илм-фан мақсадларида фойдаланиши тарбиянинг муҳим жиҳатидир.

Замонавий қуда-андачиликда истеъмол ўлчовларидан кўра ёшларнинг бахтли ҳаёт кечириши, ўз меҳнати билан ўз фаровонлигини таъминлашга ўргатиш истеъмолчилик жамияти иллатларидан ўзига хос ҳимоя иммуниети бўлиши табиий ҳолдир.

Адабиётлар

1. Давлатова М. Z ва АЛЬФА авлодларининг ижтимоий давлатдаги интеллектуал салоҳияти ва имкониятлари// *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.* –2024. –№ 4(21). – Б. 148-160
2. Заиграева Н.В. Актуальные проблемы подготовки современной молодежи к семейной жизни // *Современные проблемы высшего образования: материалы VII Международной научно-методической конференции.* – Юго-Зап. гос. ун-т. – Курск, 2015. – С.223-228.
3. Мирзахмедов А. Феномен ислама // *Социологические исследования.* -М.: - 2003. -№ 3-4. -С.26
4. Мирзахмедов А. М. Терпимость как исламская правовая культура//

Гуманитарий: актуальные проблемы гуманитарной науки и образования. –2017. –№ 1(37). –С. 36-44

5. Мирзахмедов А. Молодежная политика Республики Узбекистан: философский анализ//Alma mater . –2018. –№ 6. –С. 33-37

6. Мирзахмедов А. Толерантность как базовая ценность ислама// Педагогика ва психологияда инновациялар. –2019. –№12 (2) С. 16-22.

7. Mirzakhmedov A., Mirzakhmedov Kh. On the issue of freedom of conscience// E3S Web of Conferences. -2023. -№ 389(28). -P. 548-556

8. Мирзахмедов А., Мирзахмедов Х. Семейная жизнь: проблемы отцов и детей// Хронос. – 2021. – № 2(22) – С. 20–30.

9. Мирзахмедов А. Элмиров К. Философия воспитания//Алма матер. –2021.– № 4. -С.24-31

10. Мирзахмедов А. Пардаева С. Миллий маданиятимизда совчилик омили //ЎзМУ Хабарлари. -2022. - № 1. –Б.32-36.

11. Письмо учителя//Stateyka.uz

12. Ўзбекистонда аҳоли ўсиши//<https://kun.uz/ru/news/2024/02/12/v-uzbekistane-sokratilos-kolichestvo-brakov-i-uvelichilos-razvodov-statistika>

13. "Y" va "Z" avlod, ulardan qanday qilib samarali foydalanish mumkin?// <https://argos.uz/oz/press-center/news/371>